



ЖОНЗОТЛАР ТАСВИРЛАРИНИНГ НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРДА БЕРИЛИШИ

Нилуфар Ачилова

Ўзбекистон Миллий университети

немис филологияси кафедраси мустақил тадқиқотчиси

E-Mail: nilufar_uz@mail.ru. тел.: 90 358 04 19

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7588317>

ARTICLE INFO

Received: 21st January 2023

Accepted: 30th January 2023

Online: 31st January 2023

KEY WORDS

Фразеологизм, жонзот
номлари, маъно, қиёслаш,
фразеологик ибора, образли –
эмоционал баҳолаш, ўзбек
тили, немис тили.

ABSTRACT

Мақолада жонзот номлари билан боғлиқ фразеологизмларнинг немис ва ўзбек тилларидаги қарама-қарши таҳлили берилган. Тадқиқот объекти жонзот номлари билан боғлиқ фразеологик бирликлар. Немис ва ўзбек тилларида сўзлашув нутқида фразеологизмлар кенг қўлланилади. Фразеологизмларда кўпинча жонзот номлари шахс билан ифодаланади. Бу эса инсониятнинг ҳайвонот дунёси билан қанчалик чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади.

Муайян тилнинг фразеологизмлар фонди халқ донолигининг битмас-туганмас хазинасидир. Айнан фразеологизмларда маълум бир тилда сўзлашувчи халқларнинг тарихи, бугуни ва дунёқараши ўз ифодасини топади. Жаҳон тилшунослигида фразеологизмларни ўрганиш бўйича катта ишлар амалга оширилган. Фразеологизмлар келиб чиқиши жиҳатидан жуда қадимий бўлса-да, фразеология фани тарихи қарийб икки асрни ўз ичига олади [1]. Фразеология назарияси ҳақидаги дастлабки маълумотларни ўтган асрнинг бошларида яшаб, тилшунослик бўйича йирик тадқиқотларга асос солган Шарль Баллининг илмий асарларида кузатиш мумкин. У ўз асарларида Фразеологизмларни тадқиқ қилувчи махсус бобларни киритган эди[2].

Тилнинг системавий характери ва унинг белги сифатидаги табиатини асослаб, тил белгиси назариясини яратган ва уни синтагматик ва парадигматик тушунчалар билан боғлаган тилшунос олим Ф. де Соссюр синтагма, унинг белгилари ҳақида сўз юритар экан, тилда шундай тайёр бирликлар борки, уларнинг лисоний табиати маъноси ва синтактик хусусиятларидан келиб чиқади, бундай бирликлар тайёр ҳолда анъанага кўра қўлланилади, -деб таъкидлаган эди[3]. Илмий маълумотларга таянган ҳолда рус тилшуноси В.Н.Тéлия “фразеологик бирлик ёки бирикма - таркиби ва тузилиши жиҳатдан барқарор, лексик жиҳатдан бўлинмас ва маъно жиҳатдан яхлит бўлган бирикма, алоҳида лексема вазифасини бажарадиган сўз бирикмаси ва гап бўлаклари дейиш мумкин[4], дея эътироф этади. Маълумки, ўзбек фразеологиясининг назарий масалалари дастлаб Е.Д.Поливанов ишларида ўртага қўйилган эди. У рус ва айрим Шарқ тиллари фразеологиясини ўрганди ва шу асосда фразеологияни мустақил лингвистик соҳа сифатида ажратиш ҳақида фикр билдирди. Е.Д.Поливановнинг таъкидлашича, янги шаклландиган фразеология соҳаси лексикологияга нисбатан



худди синтаксис морфологияга нисбатан эгаллаган ўринда бўлиши лозим. "...Синтаксисга тенг келувчи янги соҳанинг шаклланишига эҳтиёж сезилмоқда,- деб ёзган эди Е.Д.Поливанов,- лекин синтаксис сўз бирикмаларининг умумий типларини, хусусиятларини ўрганса, янги шаклланидиган соҳа лексемаларнинг ўзаро муносабати асосида юзага келадиган бирикмаларнинг конкрет, индивидуал (лексик) маъно хусусиятлари билан шуғулланади"[5]. Е.Д.Поливанов янги шаклланидиган соҳани фразеология ёки идиоматика деб номлайди[5].

Фразеологизмлар орқали амалга ошириладиган тил ва маданиятлараро муносабатлар масалаларининг муттасил намоён бўлиши, фразеологизмларнинг фаолияти типологияси, метафораси, сўз бирикмалари ва миллий-маданий ўзига хослик муаммоларига бағишланган кўплаб лингвистик тадқиқотларни батафсил кўриб чиқишга ундайди.

Ўзига хос экстралингвистик омиллар (маданий-тарихий воқеълик ва этнос вакиллари менталитет хусусиятлари) таъсирида шаклланган образларни фразеологизмлар таркибида, аниқроғи уларнинг фундаментал компонентларида ифодалаш имконияти билан бевосита боғлиқ. Улар орасида соматизм, ранг атамалари ва жонзот номлари билан боғлиқ фразеологизмларни кўп кузатиш мумкин. «Зооним» атамаси деганда жонзот номларини, шунингдек, қушлар, ҳашаротлар, судралиб юрувчилар ва кемирувчиларнинг номлари назарда тутилади. Бу туркумга ушбу тирик мавжудотларнинг тана аъзолари ва белгиларини билдирувчи лексик бирликлар ҳам киради («панжа», «тери», «қанот» ва бошқалар). Адабиётларда кўплаб учрайдиган «анимализм», «орнитоним», «инсектоним» (ҳашаротлар) атамалари умумий синонимлар ҳисобланади.

Фразеологизмлар таркибида ушбу компонентни ўрганишнинг долзарблиги жонзотлар номлари билан боғлиқ тил лексик таркибининг энг қадимги қатламларидан бири ва кенг тарқалган йўналиш шакллари билан эканлиги билан белгиланади. Жонзот номлари билан боғлиқ фразеологизмлар унчалик кўп ўрганилмаган бўлса-да, улар ўзининг оригинал маъноси билан эътиборни тортади. Жонзотлар номлари билан боғлиқ фразеологизмларга бағишланган қизиқарли ишлардан бири Т. В. Шмелева томонидан ёзилган бўлиб, рус ва болгар тилларидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг таҳлилига бағишланган. Унда зоонимик фразеологик бирликларнинг турли хил хусусиятлари илмий тадқиқ қилинган. У рус ва болгар тилларидаги ФБларни қиёслашда алоҳида «полиэталон» сифатида ғоз, қўй, сигир, товуқ, от, мушук, бўри, айиқ, пашша, ит ва ҳоказоларни кўрсатади ва уларни уч гуруҳга ажратади.

Ҳайвонлар ҳар доим инсонлар ҳаётида муҳим ўрин тўтган. Кўплаб тилшуносларнинг маълумотларига кўра, инсоният дастлаб пайдо бўлган даврларданоқ ҳайвонлар илоҳийлаштирилган, диний маросимларда ишлатилган. Инсон ҳеч қачон ҳайвонларсиз яшамаган, чунки қадим замонлардан бери улар бир-бири билан яқин алоқада яшайдилар. Ҳайвонлар ҳар доим одамларнинг умри давомидаги ҳамроҳи бўлган. Уларнинг баъзилари рамзий маънога ҳам эга. Масалан, сигир-самовий мавжудот, осмон ва худонинг тимсоли ҳисобланган. От дунёнинг қоронғулиги, туннинг маҳсули, зулматни акс эттирган. Мушук эса, афсунгарлик ва ёвузлик рамзи бўлган[6].



Маълумотларни давом эттирадиган бўлсак, қадимий манбаларда ит жуда паст мавқега эга бўлиб, нопок ҳайвон ҳисобланган. Бундан ташқари халқ тасаввурида улар кўпинча ёвуз кучлар билан умумлаштирилган.

Шуни таъкидлаш керакки, бир хил ҳайвонни турли халқлар ҳар хил сифатларни бериши мумкин. Бу эса, ушбу халқларга хос бўлган маданий ва этнографик хусусиятлар билан изоҳланади. Масалан, испанлар учун бургут сезгирлик тимсоли бўлса, рус халқи бургутни жасорат билан боғлайди, ўзбек халқи учун эса бургутлар яралганидан кучқувват, зафар ва эрк рамзи бўлиб келган. Немис ва беларус тилларида «куён» компонентли фразеологик бирликларни ўрганиб, С.В. Милач шуни таъкидлайдики, бу ҳайвонни идрок этишда беларус ва немислар учун тезлик, чаққонлик, қурқув ва унумдорлик каби умумий тушунчалар устуворлик қилса, фарқли жиҳатдан немис халқи учун куён кўпроқ тажрибали, шожоатли ва қўрқмас, беларус халқи учун эса митти ва нимжон ҳайвон сифатида қаралади[7].

Инсонлар кўпинча жонзотларнинг хулқ-атвори, хусусиятлари ва ташқи кўринишини кузатиб боради. Ушбу кузатишлар жараёнида инсоният ҳайвонларнинг жисмоний ва ахлоқий фазилатларини англаш билан бирга, маълум бир ҳайвоннинг қиёфаси тимсолида инсон ҳатти-ҳаракатига мос келадиган жиҳатларни танлаб олади. Кўпинча бу ҳайвонларнинг ҳақиқий фазилатлари эмас, балки замонавий жамиятнинг ушбу ҳайвонларга бўлган муносабатидан келиб чиқиб, уларга берилган образ дейиш мумкин. Шунга кўра, жонзот номлари билан боғлиқ образлар шу тилда гаплашувчиларнинг тарихий-маданий, фольклор ва ақлий идрокдан келиб чиққан образлар асосида шакллантирилган. Миллий хусусиятнинг маълум сифатлари тилда у ёки бу томондан намоён бўлади ва одам, болалигидан она тилининг лексикаси, идиоматикаси ва грамматикасини ўзлаштириб ўзи билмаган ҳолда атрофидаги дунёни ва шу дунёдаги ўзини шу тилда гапирувчи одамлар сингари қабул қила бошлайди. Ушбу мақолада биз немис тилидаги жонзотлар номлари билан боғлиқ фразеологизмларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз.

Узоқ йиллар давомида Германия худудида кўплаб куёнлар ва ёввойий товушқонлар яшаган. Куён немис халқи эртақларининг сеvimли қаҳрамони ҳамдир. Куёнлар ва ёввойий товушқонларнинг турмуш тарзи, одатлари немис тилида бир қатор фразеологизмларнинг пайдо бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилган. Немисча –русча-ўзбекча фразеологик луғатларда «Hase» (куён) компоненти бўлган жуда кўп фразеологизмлар мавжуд бўлиб, уларга ҳаттоки тажрибали овчи итлар ҳам овлаши қийин бўлган хавфли ҳайвон хусусиятида берилган: *Man jagt den Hasen leichter auf, als man ihn fängt* 'куённи тутишдан –уни қўрқитиш осон'.

Куёнлар ён ва орқа томонга сездирмасдан сакраб, ўз изларини адаштиришга ҳаракат қилади. Кўйидаги фразеологизмлар ушбу кузатишга асосланади: *Wissen wie der Hase läuft* 'ишни кўзини билмоқ, хабардор бўлмоқ', *sehen wie der Hase läuft* 'ишни кўзини билмоқ'; *merken wo der Hase liegt* 'иш (воқеа) қандай кетаётганлигини кўздан кечирмоқ'. Ижобий маънога эга фразеологизмлар, жумладан *ein alter Hase* 'ўз ишининг устаси, тажрибали амалдор' фразеологизми инсоннинг касбий тажрибаси, ўз ишини мукамал билишини таъкидлайди.



Немис тилида ёш, ҳали тажрибага эга бўлмаган инсонга нисбатан *inheurer Hase* 'кичик бола', 'тажрибасиз одам' фразеологизми қўлланилади.

Ўзбек халқи "қуён" компонентига "юраксиз, журъатсиз, қурқоқ"[8] таърифларини беради. Масалан, *қуён ўз қўланкасидан ҳам қурқар* фразеологизмини бунга яққол мисол қилиб олишимиз мумкин. Немисларда ҳам қуён баъзи фразеологизмларда қурқоқлик билан боғланади: *Der Hase verändert wohl das Haar, bleibt aber furchtsam, wie er war*[9] 'қуён туллеса ҳам қўрқоқлигича қолади'ёки *Hans Hasen fuß - 'қуён ўз қўланкасидан ҳам қўрқар'* яна бир фразеологизмда *einen Hasen im Busen haben* 'қуён юрак, қўрқоқ'.

"*Бир кесак билан икки қуённи ўрмоқ*" ёки "*бир ўқ билан икки қушни овламоқ*" фразеологик бирикмаси нафақат ўзбек фразеология дунёсида балки немис идиоматизмида *zwei Hasen töten* ҳам кенг тарқалган ва сўзлашув нутқида «иккита муҳим, зарур юмушни бажариш, иккита мақсадга бир варакайига эришиш» маъноларида ишлатилади.

Шундай қилиб, замонавий немис тилида қуён (Hase) компонентли фразеологизмлар кўпинча «қўрқоқ» тушунчаси билан эмас, балки ёш қуёндан фарқли ўлароқ кўп йиллик қуённинг тажрибали, ўз ишининг устаси эканлигини ҳам таъкидлайди.

Асосий компоненти Fuchs (тулки) бўлган фразеологик бирликлар ҳам кўп ва хилма хилдир. Ўзбек ва немис тилларида тулки тасвири биринчи навбатда ўта кетган айёр ва маккор одам тасвири билан боғлиқ. Ушбу ҳайвонни бир хил идрок қилиш иккала тилда ҳам тўлиқ ва нисбий эквивалентлар, ўхшашликлар мавжудлигини аниқлайди: *ein alter Fuchs geht nicht zum zweiten Mal ins Garn* 'айёр тулки иккинчи мартаба қопқонга тушмайди'.

Немис тилида тулки қиёфаси нафақат айёрлик ва ҳийлакорлик балки хушомадгўйлик ва лагамбардорлик билан боғлиқ қиёфаларни акс эттирадиган фразеологизмлар нутқда фаол қўлланилишига замин яратган: *den Fuchsschwanz streichen* 'товонини яламоқ'. Немис халқи сўзлашув нутқида ҳиёнат билан фразеологизмлар ҳам Fuchs тулки компоненти билан боғлиқ: *dem Fuchs beichten* 'ёвга жонингни берсанг ҳам сиригини берма'. Маълумки, тулки нафақат айёр, балки жуда эҳтиёткор йиртқичдир, у моҳирлик билан хавфдан қочади, унинг бу хусусияти фразеологизмларни янаям тушунарли бўлишига замин яратади: *der Fuchs muss zum Loch heraus* 'Душман қўйди лой тузоқ, илинсанг, бўлдинг чўлоқ'; *da kommt der Fuchs zum Loch heraus* «маккорнинг хийласи фош бўлди» (Мана гап қаерда экан. Энди ҳамма сири фош бўлди!). Немис халқи нутқида кенг қўлланиладиган *ein alter oder schlauer Fuchs* 'қари (айёр) тулки' иборасининг айёр одамга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу ўз ишини устаси бўлган тажрибали, моҳир инсонни ифодалашда ишлатилади. [4].

Биз ушбу мақолада фақат қуён ва тулки компонентли фразеологизмларнинг немис ва ўзбек тилларидаги баъзи вариантларини кўриб чиқдик. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, турли тилларда образ-эталонлар ҳар хил сифат ва хусусиятларга эга. Айнан бир жонзот номи икки тилда ҳам бир хил маъно вазифасида ишлатилмаслиги мумкин. Жонзотлар номлари билан боғлиқ фразеологик бирликлар қандай тилда бўлмасин, ўша тилнинг, ўша халқнинг ўзига хос менталитетини акс



этиради. Немис фразеологияси немисларнинг феъл-атвори хусусиятлари ва хулқини акс эттириб қолмай, одамни миллий анъаналар доирасида тарбиялайди.

Фразеологик мувофиқликларни солиштириш, тил эгаларининг хулқ-атворидаги фарқли хусусиятларини намоён қилиб қолмай, балки уларнинг жонли фикр юритиш масалаларида тўхталиб ўтади. Фразеологизмлар маъносини тушиниш туфайли ўрганилаётган тил мамлакат одамларининг меҳнат фаолияти, турмуши ва маданияти, бир сўз билан айтганда ҳаёти тўғрисида тўғрироқ тасаввурга эга бўлади. Фразеологизмлар, мақоллар ва маталлар маъносини тушуниш, улардан нутқда аниқроқ ва тўғрироқ фойдаланиш имконини беради ва нутқга ўзига хослик ва ўзгача ифодаликни бахш этади ҳамда тилнинг лексик қатламини бойитишга хизмат қилади.

Бутун дунё тилларида ҳайвонлар номи билан ифодаланган фразеологик бирликлар шахсларнинг образли хусусиятларини очиб беришда ишлатилади ва юқори коннотатив салоҳиятга эга. Немис ва ўзбек тилларининг фразеологик луғатларини кузатиш жараёнида ҳайвонлар номи билан боғлиқ фразеологизмларнинг кўп эканлиги ҳам бунинг яққол далилидир. Бундай фразеологизмларнинг кўплиги, уларнинг ёрқин мажозий образ ва антропоцентрик хусусияти тилшунос ва лексикографларнинг фразеология фондининг ушбу қисмига қизиқишини белгилайди.

References:

1. Л.В. Щерба, Языковая система и речевая деятельность, Л., 1974
2. Щ. Балли, Французская стилистика. – Москва, 1961. – 192 с.
3. Ф. Соссюр, Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – 695 с.
4. В.Н. Телия, Фразеология/В.Н. Телия//Фразеология [Электронный ресурс]. – 2013.
5. Е.Д. Поливанов, Введение в языкознание для востоковедных вузов. - Л.: 1928. – С. 61-119.
6. П.А.Лекант, Современный русский язык. Учебник для студентов вузов, обучающихся по специальности «Филология» / Сост.: Лекант П.А., Диброва Е.И., Касаткин Л.Л. и др. – М.: Дрофа, 2002. – 560 с.
7. Мілач, С.В. Семантыка і кантэкст ужывання фразеалагічных адзінак з кампанентам “заяц” у беларускай і нямецкай мовах.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Қ-ҳарфи, 364- бет.
9. W. Krämer, Lexikon der populären Sprachirrtümer/W. Krämer, W. Sauer. – München, 2006.